Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 23 сентябрь пайшанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда
№ 189 (2227)

## ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД КЎРСАТИЛДИ

Тошкентда Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг иккинчи қурултойи бўлиб ўтди.

Анжуманда партиянинг марказий кенгаши бош котиби Э. Норбўтаевнинг партия фаолияти ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Таъкидландики, фидокорлар партияси ташкил топгандан буён ўтган қисқа вақт мобайнида ўз Низом ва дастурида белгиланган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириб, эл эътиборини қозонди. Жамиятни уйғун ривожлантириш, унинг моддий ва маънавий бойликларини юксалтириш, эски иллат — маъмурий буйруқбозлик кўринишларига чек қўйиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида муайян ишларни амалга оширди.

Айни чоғда партия мамлакат Президентлигига ва Олий Мажлис депутатлигига сайловларга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Қурултойда партиянинг сайловолди дастури муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов номзоди кўрсатилди.

(ЎзА)

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИ: ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ ЯКУНЛАНДИ

**Пойтахтимизда бошланган Буюк ипак йўлини тиклаш бўйича халқаро конференция 22 сентябрь куни ўз ишини давом эттирди.**

Иштирокчилар асосий эътиборни йўл қурилишларини такомиллаштириш, бу соҳада янги техника ва технологиялардан унумли фойдаланиш, ҳамда ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларда транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва йўлларда хавфсизликни таъминлаш масалаларига қаратдилар.

Дарҳақиқат, халқаро автомобиль қатнови замонавий равон йўлларни талаб қилади. Равон йўлларда юк тез ва осон манзилга етади. Қолаверса, қатнов нисбатан хавфсиз кечади. Дунёда йулсозлик бўйича катта тажрибага эга бўлган мамлакатлар, фирма ва компаниялар талайгина. Улар билан ҳамкорлик қилиш ҳам Буюк ипак йўлининг тикланиш жараёнини тезлаштириши турган гап.

Анжуманда "Интернэйшнл Девелопмент энд Стретеджиз", "Виртген", "Сведала" компаниялари ҳамда "Марина Файят" гуруҳи вакиллари йўлсозликнинг сўнгги ютуқлари ҳақида маъруза қилди. Шунингдек, Финляндиянинг автомобиль йўллари ва денгиз қатнови мутахассисларини тайёрлаш институти вакилининг йўл маъмурларини тайёрлаш борасидаги маърузаси тингланди.

Мажлисда, айниқса, йўл хавфсизлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари мутахассисларни ташвишга солаётгани бор гап. Экспертларнинг маълум қилишича, дунёда йилига миллионга яқин киши автоҳалокат туфайли ҳаётдан кўз юмади. Йўл таранспорти ҳалокатидан кўрилаётган зарар эса дунё бўйича 50 миллиард АҚШ долларидан ошмоқда. Ушбу рақамнинг 75 фоизи ривожланаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келаётир.

Буюк ипак йўлини тиклашга бағишланган халқаро анжуман ниҳоясига етди.

(ЎзА)

## ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ ИШГА ТУШДИ






Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида катта меҳнат симфонияси бошланди. Пахтакорлар этак боғлаб далага чиққанига анча бўлди, оқ олтин хирмонлари тобора юксалиб бормоқда. Бригада, хўжалик ва туманлараро беллашув қизиб, кунлик режа кўрсаткичлари суръати ҳам юксалмоқда.

Мана, деҳқонга мададкор куч — техника ҳам ҳаракатга келди. Жумладан, Бўка туманидаги Барот Умаров номли жамоа хўжалигида пахта териш машиналари ишга тушди. Хўжаликнинг илғор бригада бошлиғи Деҳқонбой Жуманазаров (суратда хўжалик аъзолари билан) нинг таъкидлашича, режа 7 иш кунида уддаланди. 30 гектарлик майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтарилди.

**Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.**

## МУКОФОТГА — ВИДЕОИККИЛИК

Уйчида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини уддалаган Аъзамжон Маллабоев бошлиқ бригада жамоасини қутлаш учун туман ҳокими Содиқжон Азимов «қуруқ» қўл билан келмади. У 45 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил йиғиб олган бригада азаматларига видеоиккилик тақдим қилганида пахтакорларнинг бутун чарчоғи унутилгандай бўлди.

Ҳоким Абдували Мўминов номли ширкат хўжалигининг маррадан ўзган яна бир жамоаси — Абдуллажон Муродов етакчилигидаги бригада аъзоларига ҳам рангли телевизор ҳадя этди. Бу ерда гектарлар самарадорлиги 37 центенрга етказилиб, шартнома режаси атиги икки ҳафта ичида бажарилди.

Ширкат хўжалиги пахтакорлари теримда карвонбошилик қилишаётир. Уларнинг мақсади — йиллик маррани сентябрь охиригача уддалаб, эл-улус олдида берилган ваъдага вафо қилиш.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

Навбаҳор туманидаги "Зарафшон" ширкат хўжалигининг Зайни Халилов бошлиқ бригадаси Навоий вилоятида биринчи бўлиб пахта топшириш режасини бажарди. Мавжуд 31 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олинди. Эл хирмонига 87 тонна оқ олтин армуғон этилди. Ҳали далада ҳосил мўл. Миришкорлар режага қўшимча яна 40 тонна пахта топширишга аҳд қилдилар.

**Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.**

## Марра эгалланди

Чортоқ туманидаги "Ўзбекистон мустақиллиги 5 йиллиги" ширкат хўжалигининг Ўзбекистон Қаҳрамони Абдували Абдураҳимов бошлиқ бригадаси пахта тайёрлаш йиллик топшириғини уддалаши учун бир ҳафтадан камроқ вақт кифоя қилди.

Қабул пунктига юз тоннадан кўпроқ пахта етказиб берилди. Ҳар гектар ердан ҳозирча 40 центнердан ҳосил олинди. Бригада жамоаси ҳар гектар ер унумдорлигини 50 центнерга етказишни режалаштирган.

**Н.ХЎЖАЕВА,
ЎзА мухбири.**

## Сиднейга таклифнома

Тошкентда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига Халқаро олимпия қўмитасининг 2000 йилнинг 15 сентябридан 1 октябрига қадар Сиднейда ўтадиган XXVII олимпия ўйинларига расмий таклифномасини тантанали топшириш маросими бўлди.

Таклифномани халқаро алоқа хизмати — Юнитед парсел сервис (ЮПС) нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Миллий олимпия қўмитасининг президенти Собир Рўзиевга топширди.

— Ҳозирги вақтда ЮПСнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан республика Миллий олимпия қўмитаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим тузилган, — деди Собир Рўзиев. — Бу битим амалий ҳамкорларимиз билан тез ва самарали алоқа қилиб туришимизга имкон беради, чунки ЮПС қирқ саккиз соат ичида ҳар қандай ахборотни дунёнинг исталган жойига етказиб бера олади.

Бундан ташқари, Халқаро олимпия қўмитасининг шериги ҳисобланган ЮПС мамлакатимизда олимпия ҳаракатини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш истаги билан халқаро алоқага доир барча харажатларимизни пул билан таъминлаш мажбуриятини олган.

ЮПС Жанубий Кореядаги "Самсунг", "Кока-кола" каби жаҳондаги юзлаб йирик фирмаларга хизмат қилади. У Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини ривожлантириш учун инвестицияни жалб этишга ҳам ўз ҳиссасини қўшишга тайёрдир.

(ЎзА)

*Ислоҳот чорраҳаларида*

## ҲАЛОЛ МЕҲНАТ РАҒБАТСИЗ ҚОЛМАС

Тўрт йил аввал «Момиқ-СВ» ҳиссадорлик жамияти банкрот, деб эълон қилиниши ва жамоа беш-олти ойлаб ишсиз қолиб, анчагина кишилар ишдан бўшаб кетиши ҳақида гап-сўз оралаган, дебиторлик қарзлари 11 миллион 800 минг сўмга, кредиторлик қарзлари 15 миллион сўмга етганди. Биргина солиқлар бўйича қарз тўрт миллион сўмни ташкил этарди. Яхши маълумки, бундай жойда бошлиқ ҳам узоқ вақт турмайди, чунки йиллар давомида чўкиб қолган харсангни жойидан силжитиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Қарзнинг катталиги туфайли хомашё етказиб берувчилар ( улар асосан пахта тозалаш заводлари) ҳамкорликдан воз кеча бошлагандилар.

Корхонага раҳбар этиб Фарруҳ Қулиев тайинлангач, иш аста-секин бўлса-да ижобий томонга ўзгара бошлади. Янги раҳбар учун бундай лавозим тасодиф эмасди, албатта. У Малик, Гулистон, Волков пахта тозалаш заводларида йигирма йил турли лавозимларда ишлаган, раҳбарлик нонини ҳам татиб кўрганди. Шу боисданми, дастлабки кунларданоқ унинг дадил ва аниқ режа билан ишга киришганига кўпчилик ҳайрон қолмади. Раҳбар корхонани жонлантириш, кишиларнинг эртанги кунга бўлган ишончини тиклаш муаммоларини ҳал этишга киришди. Пахта тозалаш заводлари жамоаларининг кўпчилиги билан шахсан танишлиги ҳам иш берди: уни бир сўзли инсон, ишончли шерик сифатида яхши билишарди-да.

Янги раҳбарнинг ана шу хислати кўп нарсани ҳал қилди. Паст навли тола ва момиқ фабриканинг ишлаши учун етарли миқдорда кела бошлади.

— Хомашё масаласи ҳал этила бошлагач, — дейди Ф. Қулиев, — фабрикамиз кунига икки сменада ишлай бошлади, кишиларнинг кайфияти кўтарилди. Ахир улар ҳақиқий меҳнатни соғиниб қолишганди-да. Ишончли ва доимий истеъмолчиларни ҳам топа бошладик. Маҳсулотимиз — тўшакбоп пахтага хориждан ҳам талабгорлар чиқди. Биз истеъмолчи ҳамкорларни тўлов қобилиятига қараб танладик. Бу биринчи одим бўлса, иккинчиси, барча жабҳада интизом, тежабтергаш, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун маблағ тўплаш бўлди. Мен барчага дилимдагини очиқ-равшан айтдим: ким кўпроқ ишлаб топишни истаса, астойдил меҳнат қилса, хомашёга ўз мулки сифатида қарашга ўргансин, жиҳозларни авайлаб, қувватларни тежасин, шунда фидокорлиги рағбатсиз қолмайди. Жамоа бу фикрни тўғри қабул қилди.

Бир мисол: заводдан сим билан ўраб-чирмалган тойлар оламиз, унинг симларидан биз ўз маҳсулотимизни бойлашда фойдаланамиз. Кўпинча той ўралган матолар ҳам иккиламчи хомашё сифатида ишлатилмоқда. Аввал ташлаб юборилган момиқ, титув машинасини ҳам ўз кучимиз билан таъмирлаб тикладик. Тайёр маҳсулотни тойлаш учун бақувват прессловчи механизмни ўрнатдик. Илгари фақат «Прима» номли бир навдаги момиқ тайёрланган бўлса, янги дастгоҳлар ўрнатилгач, «Болишбоп» номли момиқ ҳам ишлаб чиқарила бошланди.

Албатта, фабрикадаги юмушларнинг барчаси битта директорнинг кучи билан бўлмасди. Буни у даъво қилаётгани ҳам йўқ. Бош вазифаси жамоа ўз иши, вазифасига ижодий ва интизом билан ёндошувига эришиш эди. Буни уддалади. Сўнг жамоанинг мустаҳкам қўллаб-қувватлашига эришди. Ўз жамоаси учун ёниб, фидокорона ишловчилар кўпайди. Улардан бири Содиқ Назаров, шу корхонада меҳнат қилаётганига 27 йилдан ошган. Механик Наби Одилов, ишчи Жаҳон Шамсиева, Муҳаббат Кенжаева каби 15-17 йилдан буён шу жойда меҳнат қилаётган кўплаб кишилар номини илиқ сўзлар билан тилга олиш мумкин. Уларнинг ўз вазифасига астойдил муносабати самарасиз қолмаяпти.

Фабрикадаги ишлар тўғри йўлга тушиб кетди. Сўнгги йилларда хориждан ишончли ҳамкор — истеъмолчилар топишга ҳаракат қилинди. Ҳозир маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилинмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, демак, даромад миқдори ҳам ўсиб бормоқда.

— Менинг орзуим, — деди Фарруҳ Қулиев, — келгусида кунлик ишни уч сменада ташкил этиш. Шунда даромад ҳам, ҳиссадорларнинг дивидендди ҳам кўпаяди. Агар олган фойдамиз 1996 йилда 266 минг сўм, 1997 йилда 424 минг сўм, 1998 йилда 612 минг сўмни ташкил этган бўлса, шу йилнинг беш ойида 726 минг сўмга етди. Албатта, аввалги йиллардан қолган солиқ, кредиторлик ва иш ҳақи бўйича катта миқдордаги қарзлардан ҳам қутилдик.

Бугун фабрика ишчи-хизматчилари меҳнат ҳақини ўз вақтида олишаяпти. Ростини айтганда, маош кўп эмас, ойига ўртача олти минг сўмни ташкил этади. Лекин келгусидан умид яхши. Боз устига, фабрика қишлоқда жойлашган, кўпчилик ўз томорқаси ва чорвасига эга. Бундан ташқари шу йил ҳиссадорлар биринчи бор бешолти минг сўмдан дивиденд ҳам олишди.

Яна бир ҳолатни таъкидлаб ўтиш маъқул бўлар: театр кийимхонадан бошланади, деганларидек, корхона ҳовлисидан бошланади. Деҳқончасига кўкаламзорлаштирилган ҳовли озода, бежирим, бўяб-оқланган бинолар. Тушлик пайти ҳовуз бўйидаги токзор остида ўтириб мусиқа тинглаш, чой ичиш, дўстбиродарлар билан ҳангома қуриш ҳаммагаям гаштли бўлса керак. Мана шундай шароитни «Момиқ-СВ» ҳиссадорлик жамияти аъзолари ўз қўллари билан бунёд этиб олишган.

**В. АРИСТОВ,
Боёвут тумани.**

**Пиллачилик билан халқимиз жуда қадим замонлардан бери шуғулланиб келади. Бир қисми Туронзамин бағридан ўтиб, дунё халқларини бир-бири билан узвий боғлаб турган Буюк ипак йўлининг ана шу ном билан аталишида ҳам, шубҳасиз, Ватанимиз ипагининг муносиб ҳиссаси бор. Зеро, бундан қарийб икки минг йил муқаддам Самарқанд, Бухоро ва Фарғонада етиштирилган ипак жаҳон бозорида юқори нуфузга эга бўлгани бежиз эмас.**

## "ЎЗБЕК ИПАГИ": ҚАДИМ ДОВРУҒ ТИКЛАНМОҚДА

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, пиллачиликка катта эътибор берила бошлади. Чунки сўнгги йилларда бу соҳа ривожи ўз ҳолига ташлаб қўйилган, хомашё етиштириш салкам қирқ фоиз, шойи газламалар тўқиш эса тўққиз маротаба камайиб кетган эди. Пиллачиликнинг озуқа негизи — тутзорлар аёвсиз қўпориб ташланганди. Бир вақтлар 33-34 минг тонна пилла етиштиришни таъминлашга етадиган озуқа базаси 21-22 минг тоннагача тушиб қолганди. Энг ачинарлиси, пиллакорлар меҳнатига беписандлик билан қараб келинди.

Президентимиз томонидан пиллачиликда вужудга келган мавжуд камчиликларни бартараф этиш, соҳани жаҳон талаблари асосида ривожлантириш борасида унинг истиқболини белгиловчи фармон ва қарорлар қабул қилингани муҳим аҳамият касб этди. Давлат ҳужжатларида пиллачилик соҳасини бошқаришдаги бошбошдоқликни тугатиш, барча ишларни мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий негизлари белгилаб берилди.

Пиллакорларимизнинг ишга муносабати ўзгарганлиги туфайли етиштирилган ҳосил йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Хўш, бу қимматбаҳо маҳсулотни қайта ишлаш масалалари қандай ҳал этиляпти? Умуман, ипак ва ипак маҳсулотларини дунё бозорига тайёр маҳсулот сифатида чиқариш имкониятлари қандай? "Ўзбек ипаги" уюшмаси раисининг ўринбосари, "Пилла холдинг" компанияси раиси Абдуваҳоб ЭРГАШЕВ мухбиримизга бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди.

— Мана, қарийб бир ярим йилдирки, соҳа фаолияти жиддий қайта қурилмоқда. Бироқ бу жараён силлиқ кечаётир, деб бўлмайди. Гарчи шу йил апрель ойида бўлиб ўтган қаттиқ совуқ натижасида озуқа базаси катта зарар кўрган бўлсада, пиллакорларимизнинг меҳнати туфайли улкан хирмон кўтаришга эришдик. Сир эмас, табиий офат натижасида республикамиз вилоятларидаги 30 фоиздан 80 фоизгача бўлган тут баргини совуқ уриб кетди. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, бундай об-ҳаво сўнгги олтмиш йил ичида биринчи маротаба кузатилди.

Ҳозирги кунда етиштирилган пилла қуритилиб, пиллакашлик корхоналарига пешма-пеш жўнатилмоқда. Шуни ҳам қайд этиш керакки, мамлакатимиздаги пиллани қайта ишловчи корхоналарнинг аксарияти бугунги талабларга тўла жавоб бера олмайди, дастгоҳ ва ускуналар эскириб қолган. Бу борада жиддий ўзгариш ясаш учун бир қанча истиқболли ишларга қўл урдик. Корхоналарни замонавий дастгоҳлар билан қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Муҳими шундаки, соҳага чет эл инвесторлари жалб этилаётир. Бу эса янги технологияни жорий этиш жараёнини тезлаштиришга хизмат қилмоқда.

Пиллачилигимиз ривожланаётгани сайин чет эл сармоядорларининг ҳам унга бўлган қизиқиши кундан-кунга ортиб боряпти. Наманганда "Силк-Роад" Ўзбекистон-Япония қўшма корхонаси ишга туширилганлигига ҳам бир йилдан ошди. Бу ерда ўтган йили 22,3 тонна йигирилган ипак ишлаб чиқарилди. 266,1 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот четга экспорт қилинди. Жорий йилнинг етти ойи мобайнида корхонада 34,8 тонна йигирилган ипак ишлаб чиқарилди, 568,7 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди.

Соҳада меҳнатга муносабат ижобий томонга ўзгарганлигини шундан ҳам билиш мумкинки, ўтган йилнинг 8 ойига нисбатан бу йил маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 134 фоиз, халқ истеъмоли моллари 111 фоиз, хом ипак 152, шойи газламалар ишлаб чиқариш эса 146 фоиз кўпайди.

Шу вилоятдаги "Атлас" акциядорлик жамиятида ҳам Германиянинг "Текстима" фирмаси билан биргаликда галстукбоп матолар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона тузиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. Бу лойиҳанинг умумий қиймати 13 миллион немис маркаси қийматига тенгдир. Шунингдек, яқин кунларда Самарқандда ҳам 120 тонна хом ипак ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган "Силк-Стар" Ўзбекистон-Малайзия қўшма корхонаси ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Бу корхона республикамизга бир йилда 2,5-3 миллион АҚШ доллари миқдорида валюта кириб келишига имконият яратади.

Самарқанд вилоятидаги "Мусаффо" акциядорлик жамиятига Чехиянинг "Клуб-97" фирмаси инвестиция ётқиза бошлади. Бу фирма жамият акцияларининг маълум қисмини сотиб олиш билан бирга, бир миллион долларлик асбоб-ускуна келтиради. Шунингдек, Андижон вилоятидаги "Булоқбоши ипаги" акциядорлик жамиятига Япониянинг "Марухачи" фирмаси ўзининг замонавий пилла ўраш автоматларини ўрнатиб, бир миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритиши тўғрисида келишиб олинди.

Янги қўшма корхоналар очиш, уларни қайтадан жиҳозлаш вақт талаб қилади, албатта. Шунинг учун мавжуд дастгоҳлардан унумли фойдаланиб, янги мато турларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада уюшма томонидан изчил чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Айни пайтда "Шойи" илмий-тадқиқот институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти мутахассислари томонидан шойи газламаларнинг экспортбоп ва рақобатбардош турларини яратиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда акциядорлик компанияларининг акцияларини сотиш бўйича ҳам талай ишлар қилинди. Уюшма ташкил этилгандан буён акциядорлик жамиятларининг сони 79 тадан 141 тага ортди. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш масаласи деярли ҳал қилинди. Ипакчилик хўжаликларини ширкатларга айлантириш ишлари ҳам ниҳоясига етказилмоқда.

Хусусийлаштириш натижасида акциядорлик жамиятларининг низом жамғармаси 1266,2 миллион сўмгача, чиқарилган акциялар сони эса 2050 мингтагача кўпайди. Қимматли қоғозларни чет эл сармоядорларига сотиш ҳам ташкил этилган. Жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида 177 миллион сўмликдан зиёд акция харидорини топди.

Уюшма ўз олдига қўйган масъулиятли вазифани бажариш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Бугунги кунда соҳа фаолиятини тубдан ривожлантиришнинг махсус дастурига эгамиз. Янги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб жойларга тарқатилди. Ишончим комилки, бошлаган хайрли ишлар тез орада ўзининг ижобий самарасини беради, мамлакатимиз ипакчилиги яна довруғ қозонади.

**Олим НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.**

*Сайловлар олдидан*

# ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС

***Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлажак сайловларни муваффақиятли ўтказиш, фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини фаол амалга оширишлари кўп жиҳатдан мамлакатимизда вужудга келган сайлов тизимига, сайлов тўғрисидаги қонунларимизнинг самарали ишлашига боғлиқдир.***

***Ўзбекистон Республикасида шаклланган сайлов тизими халқаро амалиётда қарор топган мажоритар сайлов тизими талабларига мос келади, фуқароларга танлаш ва ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги ҳуқуқини таъминлайди. Мажоритар сайлов тизимида кўпчиликнинг ютиб чиқиш қоидаси асос қилиб олинган бўлиб, депутатлик ўринлари сайловларда кўпчилик овозни олишга эришган сиёсий партиянинг, ҳокимият органлари ҳамда фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари номзодларига берилади.***

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигининг ўзагини Конституция ташкил этади. Унинг «Сайлов тизими» деб номланган махсус XXIII боби, Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунлар Ўзбекистонда сайлов тизимининг ҳуқуқий асоси бўлиб, уларда умумэътироф этилган халқаро меъёрлар, илғор демократик давлатларнинг ижобий тажрибаси, мукаммал тартиблар ва талаблар ўз ифодасини топган.

Демократия негизида сайлов ўтказишнинг халқаро андозаларини муайян ҳужжатларда кўриш мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлари мавжуд бўлиб, улар инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси (1948 йил), фуқароларнинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Пакт (1966 йил)дан иборат. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг ҳужжатларида ҳам муҳим қоидалар баён этилган. Бу йўналишдаги энг муҳим ҳужжат 1990 йилги Копенгаген анжумани материалларидир.

Ўзбекистон бир неча йилдан бери парламентлараро Иттифоққа аъзодир. 129 давлат аъзо бўлган ушбу Иттифоқнинг Кенгаши 1994 йили эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида Декларацияни қабул қилган.

Ушбу халқаро ҳужжатларда эркин демократик сайловларнинг умум эътироф этган 4 та принципга асосан ўтказилиши кўрсатилган. Бу принциплар қуйидагилардан иборат: умумий сайлов ҳуқуқи, тенг сайлов ҳуқуқи, яширин овоз бериш ҳуқуқи, тўғри сайловлар.

Бу тўрт принцип Ўзбекистон Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунларда ўз аксини топган. Жумладан, 1948 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида халқ иродаси ҳокимият асосини ташкил этиши, бу ҳол эса сайловларда ўз аксини топиши зарурлиги қайд этилган эди.

Ана шу умум эътироф этилган меъёр Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида ўз ифодасини топган, яъни мазкур моддада «халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» дейилган. Эркин, демократик сайловлар ўтказишнинг умумэътироф этилган принциплари эса Конституциямизнинг 117-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши белгиланган.

Жаҳон амалиётида сайловларни ташкил этишнинг тўртта тури мавжуд. Биринчиси, сайловлар ҳукумат томонидан ташкил этилади. Масалан, Германияда сайловларни Ички ишлар вазирлиги ташкил этади. Сайлов участкаларида ишловчи мансабдор шахслар давлат хизматчилари орасидан танланади.

Иккинчиси, сайловлар суд органлари томонидан ташкил этилади. Масалан, Покистонда Марказий сайлов комиссияси Олий суд ва бошқа судлар раислари томонидан танланган уч судьядан иборат бўлади. Руминияда қуръа ташлаш йўли билан Олий суднинг 7 аъзоси Марказий сайлов комиссиясига танлаб олинади.

Учинчидан, кўппартиявий ёндошув бўлиб, манфаатдор сиёсий партиялар ўз вакилларини Марказий сайлов комиссиясига тайинлайдилар.

Тўртинчиси, мустақил Марказий сайлов комиссиясини тузишдир. Ўзбекистон айнан шу тўртинчи турдаги йўлни, яъни Марказий сайлов комиссияси тузиш йўлини танлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонунида ушбу комиссияни тузиш, унинг ваколатлари ва иш тартиби батафсил баён этилди.

Маълумки, Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган XV сессиясида Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартишлар киритилди. Мазкур ўзгартишлар сайлов тўғрисидаги халқаро андозаларга мос бўлиб, Президентликка ёки депутатликка номзодни ҳимоя қилишга, сайлов олди ташвиқотини юргизишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартибини аниқлаштиришга, Марказий сайлов комиссияси фаолиятида мустақиллик ва адолат принципларини мустаҳкамлашга ва бошқа зарур сайловолди тадбирларини ўтказишга қаратилгандир.

Сайлов тўғрисидаги қонунларимизнинг муҳим бир хусусияти — бу Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг бевосита фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан ҳам кўрсатилишидир.

Сайловларни ўтказиш жараёнида халқаро андозаларга риоя этиш, шу масаладаги халқаро тажрибани ўрганиш хусусида Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган XV сессиясида сўзлаган маърузасида таъкидлаганидек, бу тажрибанинг биз учун энг муҳим жиҳати шундаки, тараққий топган давлатларда аҳолининг, аввало сайловчиларнинг ўтказилаётган сайловларга муносабатлари, сайловларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, уларга тайёргарлик кўриш йиллар давомида шаклланганини ва кўп синовлардан ўтганини ҳисобга олишимиз даркор.

Ҳаммамизнинг мақсадимиз сайловларни Конституциямиз ва қонунларимиз, шу билан бирга халқаро демократик қонун-қоидалар андозалари асосида ва уларга тўла риоя қилиш заминида ўтказишдир.

**Тоҳир ШОҲНАЗАРОВ.**



## ГИЛАМЧИ

*Боғалон опа Муҳаммадқулова (суратда) гилам тўқишни ўрганганда анча ёш эди. Ўз уйида, қўни-қўшниларнинг ҳовлисида ўрнатилган ўрмак (дастгоҳ)ка қизиқиб боқар, опалари тушликка кетганда қўлига қайчи-ю, тароқ ушлаб ўзича гилам, шолча тўқирди.*

*Йиллар бир зумда ўтиб кетди. У ўзининг қандай чевар гиламчи бўлиб етишганини ҳам сезмай қолди. Орада турмуш қурди, 3 фарзандли бўлди.*

*Аслида у яшаётган Бахмал тумани Қорапчи қишлоғида деярли ҳар бир хонадонда гилам ё шолча тўқишади. Бозорга чиқариб сотиш учун эмас, ўзлари учун, фарзандлари учун. Янги рўзғор қилаётган қизини гиламсиз чиқариш ёки ўғлига гулдор шолча тортиқ қилмаслик бахмалликлар учун ор саналади. Қолаверса, хомашё, яъни жун ўзларидан чиқади. Шундай экан, Боғалон опа таъкидлаганидек, туркча ёки эронча гиламларга ҳавас қилиш нимага керак?*

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

*Ажиниёз туғилган куннинг 175 йиллигига*

## “СЎЗИМ ТАРАЛАР ОЛАМГА”

Қорақалпоқ мумтоз адабиётининг етук вакили Ажиниёз Қўсибой ўғли ўзининг шеърларидан бирида шундай деб бежиз куйламаган экан. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан бу йил мамлакатимизда шоирнинг таваллуд тўйи кенг нишонланади. Кутлуғ санага Қорақалпоғистонда, айниқса кўтаринкилик билан ҳозирлик кўрилмоқда. Жумладан, шоир номи билан аталувчи Нукус давлат педагогика институтида адиб серқирра ижодини ўрганишга бағишланган илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Унда шоирнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг ўлмас асарлари истиқлол йилларидагина чуқур ўрганила бошлангани қайд этилди. “Аёллар гўзаллиги – Ажиниёз шеърияти гултожи”, “Сўзим таралар оламга”, “Ажиниёз асарлари – ҳақиқий тарихий манба” мавзуидаги маърузалар тингланди.

**А. ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚИШ ЙЎЛИДА

Ангрендаги “Саноаткартонсавдо” ишлаб чиқариш-савдо бирлашмасида маҳсулот ишлаб чиқариш анча кўпайгани қайд этилди. Бу ерда картондан қутилар, толали плиталар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар кўпайди. Шу билан бирга маҳсулот сифати яхшиланди, унинг бир қисми экспортга чиқарилмоқда.

Корхонанинг ёш жамоаси ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавий техникадан кенг фойдаланиш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, чиқитсиз технологияни жорий этишни мақсад қилиб қўйган. Бу эса шаҳардаги экология вазиятини яхшилашга хизмат қилади.

Корхона бундан ўн йил муқаддам ишга туширилган бўлиб, у Ўрта Осиёга ёғочдан ясалган идишлар ва ёғоч-тахта келтиришни қисқартириш учун Ўрта Осиё республикаларини картон идишлар билан таъминлашга мўлжалланган эди.

Ҳозирги вақтда бирлашма маҳсулотлари енгил, кимё, озиқ-овқат ва машинасозлик саноати корхоналари томонидан сотиб олинмоқда. Тўйтепадаги “Ўзбек-Кобул”, “Тўқуйч”, “Попфейн”, “Санвайн”, “Айлин” каби қўшма корхоналардан ҳам буюртмалар келмоқда. Шунингдек, бирлашма Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, ўнлаб кондитер фабрикалари, ёғ-мой комбинатлари, кўпгина тўқимачилик корхоналари буюртмаларини бажармоқда. Ҳозир мижозлар сони 400 тага етди.

Бирлашма маҳсулот ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида эски қоғоз ва латталардан фойдаланади, асосий хомашё — целлюлоза эса республикамизнинг ташқарисидан келтирилади. Бундай шароитда барча буюртмаларни бажариш, шериклар ишончини қозониш қийин. Лекин меҳнат жамоаси ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиб, техникани авайлаб-асраб, мураккаб аҳволдан чиқиш йўлларини топмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, корхона Россия, Франция ва Финляндиядан келтирилган замонавий технология ускуналари билан жиҳозланди. Буларнинг ҳаммаси мижозларнинг буюртмаларини бажариш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини бермоқда. Чунончи, шу йилнинг саккиз ойида 6,5 минг тонна картон ва тахлама қоғоз ишлаб чиқарилди.

Янги технологияларни жорий этиш ҳисобига маҳсулот сифати юқори даражада бўлишига эришилмоқда. Масалан, қисқа вақт ичида Франциянинг “Мартин” фирмаси етказиб берган линия янгиланди, унинг ёрдамида ичига ҳаво кириб турадиган махсус картон яшиклар ясаш мумкин. Бу эса мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва ташиш муаммосини ҳал қилади.

Картоннинг текис ва тахланган сатҳига гул босиш учун фотополимер шакллар тайёрлайдиган ускуналар хориждан сотиб олинди ва ишга туширилди. Бу эса картон қутиларни чиройли қопламалар билан безаш имконини берди.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишлари жамоанинг муҳим вазифасига айланди. Корхонанинг 18 гектарлик майдони санитария талабларига мувофиқ равишда тозаланди, 8 тонна чиқитлар чиқариб ташланди, 17 минг тупга яқин дарахт ва бута кўчатлари ўтказилди. Шаҳардаги экологик вазиятни соғломлаштириш учун махсус тадқиқотлар ўтказилиб, ҳавони булғатувчи манбалар аниқланди ва уларни тугатиш чоралари кўрилди.

Картон ишлаб чиқариш чоғида вужудга келадиган толали чиқитлардан фойдаланиш чоралари ҳам кўрилди. Шу мақсадда яқинда йилига 2,1 миллион квадрат метр толали плита тайёрлайдиган цех фойдаланишга топширилди. Цех ишга тушгандан буён бу ерда тўпланиб қолган 350 тонна чиқитдан фойдаланилди, 40 гектарга яқин ер чиқитлардан тозаланди. Бу цехнинг ноёблиги шундаки, унда картон ишлаб чиқариш чиқитларидан фойдаланишдан ташқари эски қоғоз ва латталар, пахта чиқитлари ва сомонни ишга солиш мумкин. Чиқитсиз технология асосида олинган толали плиталар сувга чидамли бўлиб, ёниши ҳам қийин. Бу маҳсулотдан турли буюмлар ясашда, уйларни безашда, бошқа мақсадларда фойдаланса бўлади.

Корхона раҳбари Шевкет Мемедович Османовнинг айтишича, асосий мақсад — жаҳон бозорига чиқиш. Бу соҳада маълум ишлар қилинди. Маркетинг тадқиқотлари кучайтирилмоқда, хорижда савдо ваколатхоналари очилмоқда. Бу эса шу йилнинг ўзида қиймати деярли юз минг АҚШ долларига тенг маҳсулотни экспорт қилишга имкон берди.

“Саноаткартонсавдо” жамоаси республикамиз ташқарисидан целлюлоза келтиришни тўхтатиш ниятида. Икки йил олдин бу ерда целлюлоза ишлаб чиқариш юзасидан тажриба ўтказилди. Лекин режалаштирилган натижага эришишга муваффақ бўлинмади. Сифатли ва арзон хомашё олиш учун технологиялар ва ускуналарни сотиб олиш керак. Бунинг учун валюта зарур. Бирлашма эндиликда очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди, акцияларнинг учдан бир қисми эркин савдога чиқарилди. Кўпгина хорижий инвесторлар бу қимматли қоғозларни сотиб олмоқчи бўлаётгани малум. Бу, шубҳасиз, жаҳон андозаларига мос келадиган целлюлоза ҳамда халқаро бозорда муносиб ўрин эгаллайдиган бошқа товарлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконини беради. Бунинг учун шарт-шароит мавжуд: ўтган йил якунлари бўйича жамоа ўтиш даврида муваффақиятли ишлагани, янги технологияларни фаол ўзлаштиргани ва жаҳон андозалари талабига мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқаргани учун унга “Олтин юлдуз” халқаро мукофоти берилди.

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

***Жиззах вилояти, Зафаробод тумани марказий шифохонасининг ҳамшираси З. Ҳамроева таҳририятга йўллаган мактубида мазкур тиббиёт муассасасида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирган эди. Худди шу мазмундаги шикоят Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳам йўлланган экан.***

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи жаноб И. Ўринбоевнинг хабар беришича, мазкур ариза вазирлик томонидан тузилган текшириш ҳайъати ва вазирликнинг Жиззах вилояти бўйича назорат инспекцияси билан ҳамкорликда батафсил ўрганиб чиқилган.

Аризада кўрсатиб ўтилган фактлар қисман ўз тасдиғини топган. Ўтказилган текширишлар натижасига кўра туғруқхона бўлими мудири Х. Суяров туман марказий шифохонаси бўйича чиқарилган буйруққа асосан ўз вазифасидан озод қилинган.

Бемор А. Туткабоеванинг ўлими масаласи вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида махсус таҳлил қилинган. Марказий шифохона бош ҳакими Ш. Болтаевга шифохонада назоратни сусайтирганлиги учун «ҳайфсан» эълон қилинган.

*«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида*

***Сурхондарё вилоятининг Қизириқ туманидаги «Робатак» маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Рўзи Имомов газета таҳририятига йўллаган мактубида табиатни муҳофаза қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда аҳоли яшайдиган жойларни ободонлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидек эмаслигини ачиниш билан ёзган эди.***

## ЭЪТИРОЗЛАР ЭЪТИБОРГА ОЛИНДИ

Ушбу шикоят бўйича туман ҳокими жаноб Й. Шайматовдан жавоб мактуби олинди. Унда айтилишича, туманда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишни янада яхшилаш мақсадида туман ҳокимининг махсус қарори қабул қилиниб, тадбирлар ишлаб чиқилган. Чунончи, барча хўжаликлар, туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, санитария-эпидемиология станцияси қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси аҳоли яшайдиган жойларда тўпланиб қолаётган саноат ва маиший чиқиндиларни ўз вақтида тозаламоқда. 1999 йилнинг 8 ойи мобайнида туманда ер ости сизот сувларини қочириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 39 километрдан зиёдроқ узунликдаги хўжаликлараро коллекторлар тозаланган. Барча хўжалик, ташкилот ва муассаса, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилган. Бундай тадбирлар бундан кейин ҳам давом эттирилади.

# ҚЎШМА КОРХОНА «ФАРЗАНДИ»

*Ислоҳот одимлари: янги қирралар*

«Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти қўшма корхонаси мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг гиганти. Ўтган йили бир миллиард тонналик маррадан ўзган қизилқумцементчилар жорий йилда бу кўрсаткични яна 200 минг тоннага оширмоқчилар. Бунга етарли асослар бор. Корхонадаги печлар барқарор ишлаб турибди. Бир ярим йилдирки, цемент учун сув ва ҳаводек зарур бўлган хомашёлар маҳаллий шароитда тайёрланмоқда. Биргина қайта таъмирланган биринчи печнинг ўзи тўхтовсиз равишда ойига 70 минг тонна цемент ишлаб чиқармоқда. Германиянинг «Мёллерс», Франциянинг «Лурге» фирмалари билан ҳамкорликда маҳсулот ишлаб чиқаришни тезлаштирадиган ва қадоқлайдиган технологиялар ўзлаштирилди. Корхона ўз маҳсулотларини Марказий Осиё давлатлари, мамлакатимиз ҳудуди, Афғонистон, Эрон, Озарбойжон давлатларидаги 2 мингдан ошиқ корхона, муассаса, фирмаларга сотмоқда. Ҳозирги вақтда қўшма корхонанинг «Қизилқумтепалик» савдо уйида мол айланиш ҳажми йилига 6 миллиард сўмга яқинлашиб қолди. Шунинг анчагина қисми чет эл валютаси ҳисобида. Шу боис корхонанинг иқтисодий аҳволи тобора яхшиланиб, ишлаб чиқариш фаолияти кенгайиб боряпти. Ишчи-хизматчилар ойлик маоши ўрта ҳисобда 12-15 минг сўмни ташкил этади. 30 минг сўм соф даромад олувчи ишчилар ҳам кўпчилик. Ўтган йили қўшма корхона Навоий шаҳрида 1 та кўп қаватли уй қуриб, ўз ишчиларининг уй-жой шароитларини яхшилади. Бундан ташқари, Зарафшон дарёси ҳавзасида ҳар томонлама қулай соғломлаштириш-даволаш профилакторийси ишлаб турибди. Шу ернинг ўзида 8 та коттеж қурилаяпти.

Қўшма корхонанинг Навоий вилоятидаги ҳар бир туман ва шаҳрида кичик корхоналари бор. Жорий йилнинг ўзида 200 дан ошиқ янги иш ўринлари очилди. Жиззахдаги темир руда конини излаб топиб, уни ишга туширган ҳам қўшма корхона бўлади. Бундан роппа-роса бир йил аввал тайёр маҳсулотни қадоқлаб, четга сотиш билан шуғулланадиган «Қизилқум-Рус-Нур» қўшма корхонаси ташкил этилди. Қўшма корхона бу вазифани уддалаш билан бирга ўз фаолиятини кенгайтирмоқда. Хатирчи туманидаги Олтинсой тоғидаги булоқларда аниқланган маъданли сувни қадоқлаш цехи ишга тушириладиган бўлди. Янаям қизиқарлиси, Навбаҳор туманидаги қурилиш ташкилотларига қарашли улкан омборхона биноси қайта таъмирланиб, сайқалланган мармар плиталар ишлаб чиқарувчи корхонага айлантирилди.

— Бу корхоналар «Қизилқумцемент» қўшма корхонасининг фарзандлари, — дейди корхона бош директори, Олий Мажлис депутати Ўктам Рўзиқулов. — Бундай «фарзандлар» сони 70 дан ошди.

Табиийки, йирик саноат корхоналари иқтисодий ночор қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳомийлик кўрсатса, уларнинг оёққа туришларига кўмаклашса, айни муддао. Корхона Навоий тумани ҳудудидаги «Кумушкон» жамоа хўжалигини тўлиғича тасарруфига олди. Жамоа хўжалиги аъзоларининг илтимосига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан вилоят ҳокими қарори асосида ўтган йили октябрь ойида тўлиғинча қўшма корхона ихтиёрига ўтказилди.

«Кумушкон» 1980 йилнинг бошларида ипакчилик, уруғчилик хўжалиги тарзида ташкил этилди. Маликчўлнинг ўша вақтлардаги суғориладиган этаклари бўлгани туфайли бу ердаги қўриқ ерлар ўзлаштирилиб, 60 хонадонга мўлжалланган бир қаватли ва икки қаватли уйлар солинди. Маъмурий бино ишга туширилиб, йўллар чиқарилди. Табиий газ ва тоза ичимлик суви олиб келинди. Бироқ, бозор иқтисодиётининг буҳронларини «Кумушкон» кўтара олмади. Бунинг устига ҳар йили раҳбарларнинг алмашавериши одамларни меҳнатдан совутди. Одамлар чор-атрофдаги саноат корхоналарига кетиб қолдилар. Ҳатто, ўз томорқасида ҳеч нарса экмайдиган хонадонлар пайдо бўлди.

Агрофирмага узоқ йиллар давлат бошқарув органларида ишлаб келган Эркин Эрназаров раҳбар бўлиб келди. Эркин ака энг аввало, ишни одамларни меҳнатга қайтариш, уларни меҳнатдан келадиган манфаатга ишонтиришдан бошлади. Таъбир жоиз бўлса, ҳар куни ҳар бир хонадон билан қайта-қайта учрашиб гаплашишдан эринмади. Суғориладиган ерлардан олиниши мўлжалланган даромадлар қайтадан ҳисоб-китоб қилинди. Батамом йўқотилишига бир баҳя қолган чорвага янги одамлар жалб қилинди, мутахассислар тайинланди. Қўшма корхона кўтарма сув насослари, 3 та янги трактор олиб берди. 1998 йилнинг кузида яхши ният билан 82 гектар ерга буғдой уруғи экилди. Ҳақиқий меҳнат натижаси бир йилдаёқ аён бўлди. Давлатга 205 тонна буғдой сотилди. Ҳосилдорлик бир йилда гектар бошига 19 центнерга оширилди. 4 миллион сўмдан ошиқ даромад олинди, шунинг 845 минг сўми соф фойда. 22 тонна буғдой халққа мукофот тарзида тарқатилди.

Йил бошида аввал экин экилиб, кейинги 5-6 йил ичида шундайлигича ташлаб қўйилган 30 гектар ер, Маликчўлдан 40 гектар майдон ўзлаштирилди. Маликчўлдан 70 тонна қовун-тарвуз, 80 тонна пиёз ҳосили олинди. Бу ҳосил билан кумушконликлар ва қизилқумцементчиларни арзон ва мўл полиз маҳсулотлари, сабзавот билан тўлиқ таъминлаш мумкин. Чорвадорлар сутни шартнома асосида Навоий шаҳридаги «Чашма» корхонасига топширар экан. 2000 йилдан эса олинаётган маҳсулот камида 10 баробарга оширилади ва тўғридан-тўғри қўшма корхона ишчи-хизматчиларига берилади.

«Кумушкон»да авваллари ҳам пахта етиштирилган. Лекин бу йилгиси бошқача. 50 гектар ердаги пахта ҳосилининг чўғи баланд. Камида 160-180 тонна ҳосил оламиз, дейишади кумушконликлар. 7 гектар ерда деҳқончилик қилган пудратчи Бекмурод Шамсиевнинг гапига қараганда, бултур пахта майдонларини қамишлар қоплаб олган эди, зўрға 11 центнердан ҳосил олинган. Бу йил 45 центнерни мўлжаллаб турибди.

Агрофирма раҳбари шу ерда суҳбатимизга аниқлик киритди. «Кумушкон»нинг «Қизилқумцемент» тасарруфига ўтиши муносабати билан қўшма корхона хўжаликнинг давлат буюртмасидан ортиқча маҳсулотларини истаган жойга валюта ҳисобига сотиб бериши мумкин. Унинг айтишича, камида 60 тонна пахта толаси бу йил «Кумушкон» ҳисобида қолади. Ана шунинг эвазига фақат толанинг ўзидан қўшимча равишда камида бир ярим миллион сўм соф фойда олиш имконияти бор.

Эркин Эрназаров баҳс-мунозара юритишга мойил одам. У «Кумушкон»нинг яқин келажакдаги истиқболини рақамлар билан сўзлаб берди. Қўрғончада янги қишлоқ врачлик пункти, кундалик харид моллари дўкони, бошланғич мактаб очилибди. Агрофирма маъмурияти ўз хоналарини бўшатиб, маъмурий бинонинг иккинчи қаватини бутунлай мактабга берибди. Болалар саккиз чақирим йўл босиб, Дўрмондаги мактабга қатнаш азобидан қутулибдилар. Ва у сўзини қуйидагича мушоҳада билан якунлади:

— «Кумушкон» «Қизилқумцемент» қўшма корхонасининг фарзандига айланди. Менинг фикримча, у бош ҳарфлар билан ёзиладиган «яхши фарзанд» бўлиши керак!

Агрофирмага борган кунимиз қўрғончада тўй бўлаётган экан. Эркин ака тўйга бизни таклиф этди. Шу қўрғончада туғилиб вояга етган Зулфизар исмли гўзал қиз турмушга чиқди. Тўй даврасининг асосий иштирокчилари кумушконликлар. Биз бир йил аввалги тунд ва бефарқ одамлар ўрнида эртанги кунга ишончи зўр гулгун чеҳраларни кўриб, «Кумушкон»нинг ёрқин келажагини, эртасини янада теранроқ ҳис этдик.

**Э. БОЛИЕВ,**
**П. ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

